
ЎРГАНИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ижтимоий тармоқларда эълон қилинган видео мурожаатда Фарғона вилояти Риштон тумани Марказ МФЙда аҳоли ўчиб ўтган кўп янги қурилган қаватли уйнинг газ, сув ва электр энергияси яхши ишламаслигидан ташқари бинонинг деворлари тўкилиб бораётгани, бу масала бўйича аҳоли банк ва бошқа мутасадди ташкилотларга қилган мурожаатлари беэътибор қолгани ҳақида сўз юритилган.

Ушбу видеомурожаат юзасидан туман ҳокимлиги томонидан ишчи гуруҳ ташкил этилган бўлиб, вазиятни ўрганиш ишлари давом этмоқда. Ўрганиш ишлари якунланганидан кейин бу ҳақида батафсил маълумот берилади.

2021-09-18 15:57:57